

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУГДОЙНИ
СУГОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

И.Ж.Худайев¹, Ҳ.Ҳ. Юсупов².

**“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни
бошқарши институти профессори¹.**

**“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни
бошқарши институти магистранти².**

Аннотация: Мақолада кузги буғдойни етиштириш учун сарфланган мавсумий суғориш меъёри 6728 м³/га га тенг бўлган бўлса, 2- вариантда, яъни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-75 %, маъдан ўғитлар меъёри N250; Р180; K90 кг/га меъёрда кузги буғдой даласида эса мавсумий суғориш меъёри 5823 м³/га ни ташкил этиб, назорат вариантига нисбатан 526 м³/га га кам сув сарфланганлиги ҳақида ёзилган.

Кириш: Дунё дехқончилигини юритишида тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. «Тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор технологиялар қарийб 10 йилдан бери Бразилия, Аргентина, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа кўпгина давлатларда 100 млн.га майдонда кенг жорий этилмоқда». Тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали ёқилғи-мойлаш материалларининг тежалишига, тупроқнинг агрофизик хоссаларини яхшиланишига, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда. Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалигида кузги бошоқли дон экинларини етиштиришида тупроққа асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияларини қўллаш натижасида тупроқнинг ҳажм массасини камайтиришга ва ғоваклигини оширишга эришиш, ўсимлик қолдиқлари ҳисобига чиринди миқдорини ошириш билан бирга таннархи паст, экологик соғ маҳсулот етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тупроқни муҳофаза қилиш, ресурстежамкор агротехнологияларни яратиш, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, аҳолининг озиқ-овқатга ва чорванинг ем-ҳашакка бўлган эҳтиёжларини қондириш, бошоқли дон экинларини ҳосилдорлигини оширишда ерга экиш олдидан ишлов бериш агротехнологиясини ишлаб чиқиши долзарб масалалардан ҳисобланади.

Кузги буғдойнинг суғориш тартиби: Кузги буғдой етиштиришнинг ўзига хос агротехник хусусиятларидан бири, унинг кузда экилиши ва қисман парвариш қилиниши, кейинги йили баҳорда эса парваришни давом эттириб, мўл дон ҳосили олишни таъминлашдир. Шунинг учун ҳам, кузги буғдойни етиштириш учун зарур бўлган барча агротехник тадбирлар шу муддатларга

мослаштирилади. Масалан, ерни экишга тайёрлаш, уруғни тўлиқ ундириб олиш, экинни минерал озиқлантириш, шўр ювиш каби тадбирлар қузда ўтказилса, баҳорги ўсув давридаги суғоришлар, азотли ўғитлар билан озиқлантириш, бегона ўтларга қарши кураш, ҳосилни йиғишириб олиш каби тадбирлар эса баҳор ойларида ўтказилади.

Шўрланган тупроқларда кузги буғдой етиштиришда тупроқ таркибидаги тузларнинг ўсимликлар таъсирини камайтириш мақсадида алоҳида маҳсус технология асосида шўр ювиш имкониятлари йўқ. Шунинг учун, шўрланган ерларда кузги буғдой етиштиришда ўтказиладиган барча суғориш турлари бир томондан тупроқда намлик заҳирасини вужудга келтириш, уруғни ўз вақтида ва тўлиқ ундириб олиш ҳамда буғдойни ўсиши ва ривожланишини мўътадил таъминласа, иккинчи томондан бериладиган суғориш сувлари тупроқнинг фаол (0-100 см) қатламидаги тузларни ювиш, тупроқ эритмаси концентрациясини камайтириб, ўсимлик учун яхши шароит яратиб беришдир. Бу иккала мақсадни амалга ошириш учун кузги буғдой даласида турли даврларда ҳар хил мақсадларда суғоришлар ўтказилади.

Бундай суғориш турларига уруғни тўлиқ ундириб олиш учун ер тайёрлашдан олдин суғориш, тупроқни шўрини ювиш учун суғориш ва ўсув давридаги суғоришлар киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustamova, K. B., Najmiddinov, M. M., & Sobirov, K. S. (2022). Economical Use of Water Resources and Fertilizers in Irrigation of Crops. *Miasto Przyszlosci*, 25, 84-87.
2. Rustamova, K. B., Najmiddinov, M. M., & Sobirov, K. S. (2022). INTENSIV BOG'LARNI SUG'ORISHDA TEJOVCHI USULLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 294-300.
3. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). Agriculture feed chapter the basics of crop irrigation. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(6), 1-6.
4. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). Cultivation of Fast-Growing Crops on Strong and Moderately Saline Soils. *Miasto Przyszlosci*, 25, 94-97.
5. Rustamova, K. B., Najmiddinov, M. M., & Sobirov, K. S. (2022). Economical Use of Water Resources and Fertilizers in Irrigation of Crops. *Miasto Przyszlosci*, 25, 84-87.
6. Rustamova, K. B., Najmiddinov, M. M., & Sobirov, K. S. (2022). The Effectiveness of Intensive Cultivation of Root Fruit Crops in Conditions of Saline Soils. *Miasto Przyszlosci*, 25, 80-83.

7. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). Norms of Irrigation and Fertilization of Grain Crops with Spike. *Miasto Przyszłości*, 25, 77-79.
8. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). Basics of farming on strongly saline soils. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1902-1907.
9. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). Economical use of water resources in irrigation in the republic of uzbekistan. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1860-1865.
10. Rustamova, K. B., Sobirov, K. S., & Najmiddinov, M. M. (2022). G ‘O ‘ZANI TOMCHILATIB SUG‘ORISHDA SUG ‘ORISH ME’YORI VA SUG ‘ORISH MUDDATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 301-307.
11. Rustamova, K. B., Najmiddinov, M. M., & Sobirov, K. S. (2022). INTENSIV BOG‘LARNI SUG‘ORISHDA TEJOVCHI USULLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 294-300.